


Толиб Йўлдош

«АЖАБСАНДА»

(Ҳажвий шеър ва фельетонлар)

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти
Тошкент — 1980



ЎЗИНГИЗ БИЛАСИЗ...

Толиб Йўлдошни ёшлигида кўрганимда уни олтмиш ёшларда деб ўйлаган эдим. Энди у олтмиш ёшга кирганида негадир йигирма ёшларда дегим келади.

Бу машрабона шоиримиз ёшлигида кекса, кексалигида ёш бўлиб яшайди. У йигирма беш шеърий тўплам нашр қилган. Бу китобларда машрабона ғазаллардан тортиб боғча болаларига аталган шеърларгача бор.

Толиб Йўлдош қирқ йилдирки, қаламини қўлидан қўймай ўз халқига чиройли-чиройли ғазаллар битади. Унинг бу ғазаллари қўшиқ бўлиб, ҳофизлар томонидан катта давраларда куйланади.

Толиб Йўлдош олтмиш ёшга кирди. Аммо кўрган киши бунга ишонмайди. Чунки Толиб ҳамиша қувноқ, оёқ олишлари чаққон, суҳбатнинг гули...

Хуллас Толиб соколи ичига қараб ўсган кексаларимиздан. Шоирни ҳамиша меҳр завқи, илҳомнинг бетакрор дақиқалари суяб туради. Шоир орқада қолган ёшлигини етаклаб юради.

Қўлингиздаги китоб Толибнинг турли йилларда ёзган ҳажвларидан тузилган. Ўқиб кўринг кулсангиз ҳам, кулмасангиз ҳам ўзингиз биласиз. Мабодо кулмасангиз ўкинманг. Ҳеч бўлмаса китоб варақларидан эсиб турган ёшлик нафасидан баҳраманд бўласиз-ку!

Кўча-кўйда қошлари юз-кўзини тутиб кетган бир одам Ёнингиздан пилдираб ўтиб кетса, бу ким экан деб ажабланманг. Бу шоир Толиб Йўлдош. У шунақа, шеърини юриб ёзади. Машрабга ўхшаб, аввал кўнглида пишириб, кейин қоғозга туширади.

Жим! Толиб — шоир шеър ўйляпти!..

Саид АҲМАД.

2/3

САЁҚ

Соврилиб умри ўтар хумпар саёқ,
Тонгда «Зухро», тунлари «Хулкар» саёқ.

Ургилай дейсиз посонингдан сени,
Турқини кўрган киши ҳуркар саёқ.

Соч сават кийган кишидек кулгили —
Елкадан то юз-кўзни буркар саёқ.

Ўйласа ғирт нотавон, иш-кучда йўқ,
Бетига шундай қора суртар саёқ.

Ёлбориб ўз фойдасидан сўзласанг,
Уқмайин жонингга ўт пуркар саёқ.

Нечани йўлдан уриб, йўмзаб-юлиб,
Бир балога охири тиркар саёқ.

Қилмиши қирдан ошиб ҳам қўймагай,
Санқигаё жар бошида турган саёқ.

Кўрса ҳам йўқ, кекса-ёш боқмай ўтар,
«Ҳа!» деганга дер: «Худо урган саёқ».

Аслида ҳеч сўз дейишга арзимас
Соврилиб бу соядек юрган саёқ.

ҲЕЧ КИМ БИЛМАСИНИ

(Бир ғаламус тилидан)

Отимни «Волга» қилдим,
Айтинг ҳеч ким билмасин.
Неча туриб, йиқилдим,

**Зинҳор ҳеч ким билмасин!
Пинхон, ҳеч ким билмасин.**

**Бордим фалон акамга,
Таъби баланд акамга.
Омон бўлсин ёр-дўстлар,
Офтоб тегди орқамга —
Шундай, ҳеч ким билмасин!**

**Гапни хўл қисқа қилдим,
«Енг ичи» нусха қилдим...
Ленин одамшаванда —
Феъли дурустга қилдим,
Айтинг ҳеч ким билмасин!**

**Аввал шитоб қилдилар,
Сўнгра хитоб қилдилар...
Телефонлашиб, кимларга —
Номим китоб қилдилар.
Қаранг, ҳеч ким билмасин!**

**Атрофга от чопилди,
Дардга чора топилди.
Мана мўмай тушимдан,—
Қобирғам ҳам ёпилди.
Қойил, ҳеч ким билмасин!**

**Хуллас ишни болладим,
Кетмонимни сопладим...
Пулми, макру ҳийлами —
Неки борим сарфладим —
Бўлди, ҳеч ким билмасин!**

«ҚИЗИҚМИСИЗ...»

**Тўғри сўзни десанг, дерлар:— қизиқмисиз,
Бурунларин учи терлар, қизиқмисиз.
Қилмишлари тулкинамо, вазоҳатда —
Кимсан фалон «Бобошер»лар, қизиқмисиз.**

**Бўлар-бўлмас қилни қирққа ёришади,
Ҳар гапда бир сену менга боришади.
Кўнгиллари гоҳ хуфтон, гоҳ ёришади...
Иш-кучда йўқ, ношуд эрлар, қизиқмисиз.**

Тўй-маърака бўлган ерда «Байроқдор»лар,
Такаллуфсиз ерларда ҳам тўрда борлар.
Эл кўзига савлат тўккан бу девкорлар —
Едирмайин фақат ерлар, қизиқмисиз.

Йил — ўн икки ой шул алпоз, тузалишмас,
Қўни-қўшни туз беришиб, туз олишмас.
Уят-номус нима, лоақал қизаришмас,
Андишасиз бу «бер-бер»лар, қизиқмисиз.

Қорин солган, текин еб хўп терлашади,
Бундайларга ким бас келиб беллашади!
Дами ичда кексаю-ёш билишади.
Тавба!— десанг,— ҳой, жим!— дерлар, қизиқмисиз.

ҚУШНИ

Қарикдошдан эмиш афзал, қадрдонликда ён қўшни,
Дегайлар шул сабабдан ҳам, билиб:— Ён қўшни — жон қўшни.

«Уй олма, қўшни ол» ҳа, қўшни оқил бўлса бахтинга,
Бошинг осмон, қувончинг бўлғусидир бир жаҳон қўшни.

Агарчи носинашта, ноаҳилларга дучор бўлсанг,
Кунни минг нағма бирлан кўрсатур минг бир оҳон қўшни.

Уриш-жанжал кўтариб шифт, деворинг сири кўчгунча,
Тил-огзинг тегмаёқ баттол, этар бағрингни қон қўшни.

Ишинг ҳасрат бўлиб, умринг ўтар афсус-надоматда,
Дегайсан: қайданам сенга дучорман ногаҳон, қўшни...


Кўрарга сурати одам, э, одамлик хайф кетсин,
Мижози кўршапалакдек кундузи кўздан ниҳон қўшни.


Тилаб инсофини сен яхшиликка даъват этсанг гар,
Гумон қилгай рақибим ҳийласи деб имтиҳон қўшни.

КҲНГИЛГА УРДИ

Кўнгилга урди, ўлсин, баъзи икир-чикирлар,
Ёшларга тўғри сўзни десанг, кулиб, қиқирлар...

Фойдасин билмаган деб, бунда койиш ўрнига,
Ўз бошига ўзлари овора ҳамфиқрлар.





Каттани катта билмай, сўз қотишар даврада,
«Мавриди келганда ол» дея кимлар пичирлар.

Бўлса бирор тўй-ҳашам, тер тўкишиб тонггача,
Ота-бола бир-бирин соғлиғига ичарлар.

Антиқа, алмисоқда йўқ, толиб кийганлари,
Фасонини мақташиб, яна тўқиб-бичарлар.

У нима, бунча мағрур, тарбия шулми дейсиз!
Ахир улар калешин уй тўрига ечарлар...

Кўр-кўрона ножўя, ишларини кўриб ҳам:
Ке майли, ёш-да, ғўр деб, гуноҳини кечарлар.

Фарзандни парча этдан, токи одам қилгумча,
Ота-она билмасми, хум бўлган-ку жигарлар.

Касалнинг олдин олмай, инсофини тилаш-да,
Сургалиб нега энди, фурсатдан кечикарлар!!

«МОДА»

Тожи буви келинини дейди койиб:

— Нима бало сочингизни бундай ёйиб,
Калта кўйлак киймасангиз, келин пошша!
Шўрим қурсин, аҳволингиз ғирт томоша!

— «Фу»— дейди келин,— янги мода, кампир,
— «Моданг»,— нима айланайин, туззук гапир!

Келин кулар, биз ёшларнинг посони бу,
Ҳали шошманг, посонларнинг оксони бу...

— Вой, ўлмасам, қани узун лозимингиз!

— Шундай юринг, хоним,— деди Козмингиз.

— Ундай қилманг, элга номус, кийиб олинг!

— Мендан олдин қизингизни тийиб олинг!

Тожи буви дамин ичга ютиб қолар,
Келинининг юрак дарди тутиб қолар...

КАСАЛ

Хотинининг касали — қон босими,

Ўйин-кулги билан тирик, бечора.

Сағал гапга қони қочиб, қалтираб,

«Вой жоним»лаб ётиб олар, на чора.

Дори-дармон кор қилмади, фойдасиз,

Қолмади ҳам қаратмаган доктори.

Шифо тилаб, сабр бериш ўрнига,
Катта-кичик дейдилар:— Эрнинг шўри...
Ҳеч тани соғ бўлганини билмаيمان,
Бир кун баланд деса, бир кун паст дейди.
Бошим гангиб ўйга келсам, пўнғиллаб:
— Адо қилди мени, даданг маст, дейди.
Ерилмагим яқин қолди, зорманда —
Бу бедаво касалининг дастидан.
«Их» деганда ўзлимимни унутиб,
Ўргиламан баландию пастидан...
Қозон-товоқ, рўзғор иши бошимда,
Кун ора бир кир юваман энгашиб...
Аввалгидай юрай десам гул санчиб,
Болаларим «дадалашар» эргашиб.
Касал хотин икки юзи мағиздай,
Ҳолдан тойиб ўлгандан мен ўламан.
Аламимдан дейман:— Ойша соғайса,
Мен ҳам шундай «қон босими» бўламан!..

ТОЛАЛАР ТАЛОШИ

Меҳрталаб гўдаклардай,
Минг алпозда очилган
Чаноқларда чала қолиб,
Эгатларда сочилган —
Толалар денг ўз бошига
Талашарди чулдираб:
Бир заршунос олса дея
Илҳақ бўлиб, жовдираб,—
Тўрт томонга боқишарди
Кенг далада эрта-кеч.
Кузак ели елса ҳамки,
Келмас эди кимса ҳеч.
Терим авжда, терисига
Сигмаганлар далада.
Ғайрат қилар, қай бировлар —
Шундай «ур-сур» паллада
Ўз тинчини кўзлаб, кўздан
Ғойиб, қайга йўқолган!
Ҳар йил шундай «шивир-шивир»
Таъна, гап-сўзга қолган,

Ҳа, толалар талашгандай:
— Бети чарм эканлар.
Бу йил ўзи бўлмади-ку,
Неча бузиб эканлар...
Парваришни кўринг, кўкрак —
Сути билан боққандай.
Пахтазорда эрта-тонгдан
Қуёш бўлиб болқандай
Юрак кўрин берганларин
Унутсалар хўп гап-да.
[Неча терим агрегати
Тўхтаб ётар шу тобда]
— Ремонтни ҳам одамлардай
Қилмаганлар чамаси.
— Хуллас-чи, мўл ҳосилни
Шўри булар ҳаммаси.
Баракалла дерлар кулиб,
Ҳали бизлар — толамиз.
Тоғ бўлсак ҳам бу аҳволда
Хирмон кўрмай қоламиз.

ГАПИРМАСАНГ

(Баъзи «ўзим» дегувчиларга)

Улар гапирсалар, сен дим бўлсанг — гапирмасанг,
Кўтариб урсалар ҳам, жим бўлсанг — гапирмасанг.

Сувратинг одам бўлиб, ўлтирсанг қум-тошдек,
Деганларин десалар, ким бўлсанг, гапирмасанг.

Майли босиб ўтсалар, ўтласалар бошингда —
Улар карнайгулу, сен — чим бўлсанг — гапирмасанг.

Юзингга қора суркаб, ёмонга йўйсалар ҳам,
Киройи дўсти содиқ, чин бўлсанг гапирмасанг.

Истаганча тортқилаб, ўйнасалар ўртада,
Ҳатто пичоқларига қин бўлсанг — гапирмасанг...

ҚОР

Киройи бу йилги қор, қордай бўлди,
Жилла хумори ҳам ҳа, бордай бўлди.
Еру кўк қор, қаранг, бирдай ҳамма ёқ —
Олам нур кийиб, беғубордай бўлди.

Кўча-кўйга шакар тўкилгансимон,
Элаб уриб берди, шоввоз осмон.
Қор тагида қолиб, йўлда роса мен
Бурун шолғому, юзлар анордай бўлди.

Бошларда катта бўрк, кўзлар кўринмас,
Қулоқлар гап уқмас, ҳамма шундай маст.
Совуқдан пишиллаб паровоз нафас,
Чиллакдек жуссалар қанордай бўлди.

—

Қозон-чўмичпарга зўр келди шу кун,
Ортмоқлаб олгандайин барчанинг юкин.
Едилар нон-ошнинг хому куйигин
Ахир борни йўққа санардай бўлди.

Утин-кўмир дарди ҳали ҳам бор-да,
Картошка, сабзи, пиёз тўнгди омборда.
Газ оти бор экан бизлар омонда,
Кўзлар чироқ, мисол ёнардай бўлди.

Автобус ғирт тиқин, йўллар тайғаноқ,
Пиёда юрганлар аҳволига боқ.
Бир кунли қор бўлди, бир йилга сабоқ,
Дўст-дўстан шу куни тонардай бўлди.

Келгуси йил учун бу қуту замин,
Олти миллион учун ишора — омин!
Тугиб қўя беринг, сиз ошнинг хомин,
Заршунос эл олтин санардай бўлди.

«БАЛИ-БАЛИ»

Ҳар балонинг аввал боши «Бали-бали»,
Кимни қанча давлати бор, ё амали —
Ҳаммасини барбод этар охир,— Бали!
Англаб олинг шундай бўлар бир маҳали,
Бир маҳалми, бемаҳалми!— дейсиз ҳали.

«Бали-бали» билан пуфлаб шиширарлар,
Хом — хомаксиз, обдон димлаб пиширарлар.
Сўнгра яқин йўлатмайин пишқирарлар...
Сиз беҳабар бу савдодан; шошманг ҳали,
Товба!— дейсиз бемаҳалнинг бемаҳали.

Минг мақомга тушиб хотин янгилайсиз,
«Москвич»дан «Волга» сирин сиз англайсиз...

Ҳайронига учраб ҳарён аланглайсиз —
Йўл устида якка қолиб, «Бали-бали»,
Кўзни очиб ҳушёр тортинг, ҳа ақалли!

Эл-юрт сиздан юз ўгирса энг қабоҳат,
Бунча ранжу азоблардан кимга роҳат!
Тоғ бўлсада, тугаб битар сабр-тоқат
Тили оғзи тегмас бало «Бали-бали»,
Бу балога нишонлар ҳам сиз аввали.

Меҳнатни кўп қилсангиз ҳам озроқ ошанг,
Оғиз йиртар луқма бўлмай қараб яшанг.
Ишларингиз ишқалдан соф бўлсин, башанг —
Ҳар нарсанинг ҳисоби бор, бор уволи,
Ҳисоби йўқ лаънати бир «Бали-бали».

Хушомадга учган бошга осмон қулар,
Дакки бериб аҳволига олам кулар.
Баттар бўл!— деб «Боз-боз»ига солган улар —
Писиб қочар, ҳорма!— демас лоақал ҳали,
Шайтон қўйган шоти ўлсин, «Бали-бали!»

ЖАРОҲАТ

(Бир юлғич тилидан)

Эллик балони кўрдим, ёшим эллик бўлгунча,
Яна эллик йил бормиш ақлу ҳушим тўлгунча.

Дўстлар дуода доим инсофини берар деб,
Қўл силкишар бировлар — бўлгани шу ўлгунча.

Кунда бир тим уриб ҳам тинчимас кўнглим, ўлсин,
Ошир, дер дам ғанимат, нодон, қараб тургунча.

Юзимни қора қилдим йўмзаб еб эл-юрт қақин,
Ахир онсон эмас-ку, менга ҳам ўмбаргунча.

Машинам, мол-давлатим қўлни кири эмиш, ҳа,
Қолмасмиш ҳеч вақоим ҳаммасимиш бугунча.

Бир бошга шунча савдо қайдан етишди дейман,
Ҳолингга «вой» дейдилар худо ёр бўлмагунча.

Муштум:

Жонингни қўйгали ҳам ҳали жой топмагайсан,
Наштар талаб жароҳат токи ёрилмагунча...

ХҲЖАЙИН

(Дуэт)

— Тошмат, сени бўшатаман...
— Ҳазил қилманг, хўжайин.
— Ҳа, ишингни ўхшатаман,
— Ҳозир қилманг, хўжайин.
— Нима, бола-чақанг борми,
Бекорчилик сенга орми!
Юравер-да, олам торми!
— Ундай қилманг, хўжайин.
— Ён-верингга қарамасанг,
Бир коримга ярамасанг.
Давлат ҳақин ётиб есанг...
— Товба қилдим, хўжайин.
— Тилингни тий, товбанг кетмас,
Бирон ерга додинг етмас.
Қулогинг йўқ, гап кор этмас,
— Нима қилай, хўжайин!
— Нима эмиш, э, кўрнамак,
Шайтонлайн, айёр — Камак.
Сен беҳабар бундан демак!
— Қулиз бўлай, хўжайин.
— Қуллик даври ўтиб кетган,
Эркин яшаш вақти етган.
— Буйруғингиз хумор этган, —
Бажо қилай, хўжайин.
— Бор, кеннойинг уйдамикан,
Бозор-ўчар, тўйдамикан!
Маш-машасин қўйдимикан!
— Ҳозир, мана, хўжайин.
Тингловчи:
— Э, бечора, Тошмат! — кулар,
Хизматчи-ю, бошлиқ булар...
Уч-тўрт кунга сабр қилсанг,
Хўжайининг янги бўлар.
Хўжайин!..

МУХАММАС

(Шоир Эркин Воҳидов ғазалига мухаммас)

Ҳар кишиким сабр қилди, сабри, бардошиндадур,
Кимсага ҳеч сўз демас, дарди ичу тошиндадур.

Некин бўлса, ўзи қилган орзули ошиндадур —
Ун саккиз минг олам ушбу падар бошиндадур.
Не ажаб ким ўғли онинг ўн саккиз ёшиндадур.

Илми йўқ лоқал ҳунар касб этмади бундай бирон,
Хушламас меҳнат нонин бу қўл оёқли ногирон,
Тентираб умри ўтар, турқи кўзойнакли илон...
Наймисол шим кийган ул сандиқдайин туфли билан,
Хурпайиб турган саватдек соч анинг бошиндадур.

Ўртагай ноқобил ўғлин қилмиши охир етиб,
Қайға бориб, қайда қолган сўзламас, йўқ, беркитиб.
Кекса-ёш оғзига тушди неча бор ўздан кетиб,
Ул падар оқ урмасин, нечун ёқасин чок этиб,
Неки бадфеъл бўлса, бари ушбу бебошиндадур.

«Оғзи қонли қашқир эрмиш ким фалончи, беомон,
Ёш экан, қайтарса-чи» — дерлар отаси бор ҳамон.
Жондан ўтгай охири эл таънаси ўлсин, ёмон,
Ўзгаларга кулгай эрди кўча-кўйда бир замон,
Ақлига юз ҳайрат эмди бул анинг қошиндадур.

Ўғлин ушбу ҳолга солган ўзи, эркига қўйиб,
Сўзласайди оталик пандин қулогига қуйиб,
Қилмишидан бунча мулзам йиғламас эрди куйиб,
Йўқ ажаб, ёшликда ўғлин ота ардоғлаб, суйиб,
Эркалаб бошига қўйди, у ҳамон бошиндадур.

ҚИШЛОВДАН ГАПИР

Эй қалам қаддингни ғоз эт, бунда қишловдан гапир,
Ем-хашак дардида ўртаб, кунда қишловдан гапир.

Гапларинг гапга улансин «Гап-гаштак» бошида —
Бошидан бошлаб «ашуланг» шунда қишловдан гапир...

Қиш-қировли кунлар айни, оч-наҳор молларни кўр,
Дилдираб турган бу чоғда, тунда қишловдан гапир.

«Бор!» — десинлар депсиниб, ўз роҳатин ўйловчилар:
— Кўрмадингми бунда — бундай, унда қишловдан гапир!..

Гапларин ҳеч икки қилмай — хўп, ака, — деб йўлга туш,
Ҳа, аёзда бир кеча тургин-да, қишловдан гапир.

Ферма боши ҳам раис поччанг палончилар билан —
Тўкмада ош устида, ургин-да қишловдан гапир.

Сен бузуқ молхонада бу безабон молларни қўй,
Кел, қалам бир чекнада юргин-да, қишловдан гапир.

ТҮЙ ТАЪРИФИДА

Тўёнасиэ ўтмайди, ўзбекчилик, тўйимиз
Шухратда тўн кийгизган ориқ-тириқ қўйимиз.

Тўйни тўйдек ўтказиш келмас ҳаёлимизга,
Тавану, тўққиз-тўққиз ҳамон фикру ўйимиз.

Шилқим отарчиларга бой бериб боримизни.
Токай «саҳоба»ларга маскан бўлар ўйимиз...

Билсайдик, бошимизга не савдолар солмоғин,
Бесоат кунда бўлган қургур феълу ҳўйимиз.

Текин еб терлаганлар мақтовига учиб биз,
«Э, балли, балли!»лардан тоғдек ўсар бўйимиз.

Мойда қозон-чўмичлар чўмилса ҳам чикора,
Зорманда шишаларга боғлиқдай обрўйимиз.

Кимлар боши ёрилган, маст-аласт, тўйхонада,
Танбеҳу, таъналардан ҳам бўлмас бир мўйимиз.

Қанчалик танбур чалиб, куйласак тўй таърифин,
Эски тос, эски ҳаммом ўша қўшиқ, куйимиз.

Эл-юрт ошин еганлар, ўз томилин қилмасак,
Кўнгил жойига тушмас, чиқмас ранги-рўйимиз...

ЧИРОҚЛАР КЎЗ ҚИСАРМИШ...

(Фельетон ўрнида)

Очил бобо ўйлайвериб,
Боши ганграр.
Бир корини қилса-чи, деб,
Ёш-яланглар.
Маҳалланинг чироқлари
Кўз қисармиш...
Сўхта пилик гоҳи ёниб,
Гоҳ қизармиш.
Нега бундай, бобо эмас,
Ҳамма ўйлар.
Ҳеч тузукроқ ёримайди
Кўча, уйлар.
Токайгача шамол қоққан
Шам мисоли!

Маҳалланинг қоровули
Мама Соли —
Туни билан монёр излаб,
Ҳолдан тояр.
Уч бермайди бу тийиқсиз
Монёр — айёр.
Йил ўн инки ой шу аҳвол
Қишда кўринг.
Гоҳо бўлса бир тўй-ҳашам,
Ёки гурунг.—
Хижолатда ўтказамиз
Эрта кунда.
Бечиз эмас, бирор ҳикмат
Бор деб бунда.
Муштум:
Ҳикмат — ҳар кеч монёр оғзин
Мойлаш керак.
Исиригдек сим ёғочга
Бойлаш керак!..

ХУШОМАД

Ошинга ошна қилсанг кулиб боқар хушомад,
Минг айланиб-ўргилиб жонни ёқар хушомад.

Кўрса «хўжам бормилар!» кўрмаса «Кўрмадим» деб,
Тавозе-ла эшигинг келиб қоқар хушомад.

Итингни «Сиз-сиз»лабон, қўриқлаб остонангни,
Ётиб олар давлатинг бўлса оқар хушомад.

Ҳушингни йиг қадрдон қаддингни ростлигида,
Мулзам қилмай олдинга ташлаб похол хушомад.

Инону ихтиёринг олар, қўлингда қолмас
Гафлатда сезмагайсан сен лоақал хушомад.

Ғар учсанг мақтовига қўнарга қуйруғинг йўқ,
Ўзингни ўнгламоғлик бўлар маҳол хушомад.

Ташлаб кўзингга парда ақлинг ўғирламасдан,
Ҳушёр бўлсанг дегайсан:— Тур, э, йўқол хушомад!

АРМОН БИЛАН

Биз кимлардан куламиз!
Юлғичлардан, мастлардан.
Текинтомоқ, ишёқмас,
Йўлда хори-хаслардан.
Ҳа, айниқса фирибгар,
Қаллоблардан ғазабда.
Куламиз, кўрмай деймиз,
Қийналамиз азобда.
Соч елкада бир аҳвол,
Кийинишган «олифта»
Кўзда қора кўзойнак,
Ҳаммаси бир қолипда.
Ўзларидай ичи бўш —
Портфель қўлда, саланглаб,
Иш-кучда йўқ юришар,
«Ов» пайида аланглаб...
Кўрганлар: — Ё тавба, деб,
Ёқа ушлаб қарашар.
[Гўёки бу юришлар,
Ўзларига ярашар].
Қайбирлари приёмник,
Ушлаб олган қўлига.
Маймунсифат тўғаноқ —
Бўлар қизлар йўлига.
Биз шулардан куламиз,
Афсус ва армон билан.
Бўлар тузалмас бало,
Минг дори-дармон билан.

ТАВБА

(Қабристонлар бошқармасига ишора)

Тушимдамиш Маҳкам ота¹
Ҳаётмишлар.
Эшитганлар «вой тавба» деб,
Ёқа ушлар.
Ёнларида сон-саноксиз
Мурдалармиш,

¹ Маҳкам ота:— Чилонзор ота қаб-
ристоннинг собиқ гўркови.

Юракларин жафо тиги
Бурдалармиш.
Ҳаммаларин қути ўчган,
Аламзада.
Ҳа, кимнингдир койирмишлар:
— Харамзада, —
Бандасан-ку, охир бир кун
Ўлмайсанми!
Ғафлат уйқинг қурсин, огоҳ
Бўлмайсанми!
Майиб руҳлар бош чайқашиб.
Тасдиқлармиш.
Қўлларида гуваладан
Естиқлармиш. . .
— Ота-онанг ётган ерга
Қарабсан, хўп,
Э, бунда ҳам эътиборли
Одамлар кўпи
Деб кимгадир ғазаб билан
Боқармишлар,
«Чилон ота» қабрига шаъм
Ёқармишлар. . .
Ўғиллари Ёқуб дермиш,
Ҳижолатда:
— Касбингизни тутолмайман
Бу ҳолатда.
Шундай даргоҳ бузуқ-ёриқ,
Ҳар ён хароб,
Кўз-ёш тўкиб йиғилганлар
Дермиш: — Ёраб!

Муштум:
Сабаб бундай мазорларга
Қарашмайди.
Сомони йўқ, ширасиз лой
Қоришмайди. . .

ДАРАХТЛАР ТАҚДИРИ

Дарвоқе дарахтлар ҳам
Одамдек экан қаранг.
Мевалигу, мевасиз
Пасти-баланд, ранг-баранг.
Қайбири соя-салқин,

Танга ором бағишлар.
Қайбхрлари саксовул
Сингари бояқишлар, —
На мева, на барги бор,
Қуруқ аянчли тана.
Бўрону, эпкинларга
Дош бериб ўсар яна.
Чиндан улар одамдек
Неча туриб йиқилар.
Кутмаганда бир куни
Бевақт қуриб қирқилар.
Ҳа, дарахтлар тақдири
Шундай ўйлаб қарасак,
Кошки эди биз улар
Хизматига ярасак.
Эксак адр, тоғликлар
Бағрида боғ яратиб.
Ўстирсак парваришлаб,
Ҳар ниҳолни яйратиб.
Йўқ. Кўпинча бу орзу
Истак ушалмай қолар.
Бечора дов-дарахтлар
Иши ўхшалмай қолар.
Кесарлар кўп аёвсиз,
Аста шамғалат қилиб.
Бутун бошли ўрмонни
Емириб, ғарот қилиб.
Тил, забони йўқ шўрли
Дарахтлар қайга борсин
Сизгами, менга — кимга
Дардин айтиб ёлборсин!
Фалончи, писмадончи
Акамлар «тўсин» деса
Участкамиз силлиқ, соз
Шоҳона бўлсин деса...
Нима ҳам қилар эдик
Тақдирга тан берамиз.
Ўзимиз зардоб ютиб,
Асалга там берамиз...

«ТАНБУР»

(Хотинининг тўғри сўзидан тўйган бир ғаламус тилидан)

Таноби бир узилмас кўз кўриб қўл тутмаган танбур,
Синиб битмас умр боқий, ўлиб ер ютмаган танбур...

Хуружга минса гар кўрсанг баногоҳ тонгми оқшомда,
Қилиб таъбингни хуфтон сайрагай хўп кутмаган танбур.

Олар авж пардасин бошлаб мақоми алмисоқлардан,
Менингдек ҳеч қачон ҳеч ким бошига битмаган танбур.

Зада кўнгил қуши кўрса қочардинг ўзга ёқларга,
Уёсин тарк этиб ҳайрон ваё бургутмикан танбур!

Кўзимга уйку келмас ўйласам гар тунлари ўлсин,
Қуйи чилла, зимистон, пардаси «хут-ют»микан танбур!

Қулоғин бургани бўлмас анга қўл етмаги мушкул,
Дегайман ўлганимдан ё, ўзи нобутмикан танбур!

ҚИЗИҚ

(Термалар)

Одатича бирор бошлиқ
Енг ичида пора еса,
«Дод!» деймизу, зир еламин
Емагани зора еса...

Қизиқ.

Сотувчидан ўпкалаймиз:
Эл-юрт ҳақин урар доим.
Давлат мулкин сув қиламиз
Ўзинг асра деб худойим.

Қизиқ.

Бошлиқ бир бор акса урса,
Соғ бўлингга ўн беш киши.
Буларнингмиш падҳалимлик
Яна жини севмас иши.

Қизиқ.

Баъзилар бор тўғри гапни
Хўп лоп урди, деб сир очар.
Ўзларига қўйиб берсанг,
Йўқ ерлардан олиб қочар.

Қизиқ.

ПОЧЧА

Поччам бир кун кайф устида,
Кўзига ёш олиб деди:
— «Хув» деб чиқиб кетсаммикан,
Шу уйдан бош олиб, — деди.
— Мен, — опангни эриман-ку,
Ҳа, эрмаги эмасман мен.
Зормандангнинг уруғи кўп,
Бирортасин демасман мен...
Мени билмас, у кўрнамак,
Нон тепмагин, йўқ, қўймайди.
Томизмайин оқ ичаман —
Соғлиқ бўлсин деб, ке, майли.
Поччанг чакки йигитмас, а,
— Зўрлар! — дейман,
— Э, мард киши.
Унча-мунча одамларнинг
Иши эмас, поччанг иши.
Бутун бошлиқ бир артелнинг
Ташвиши бор бу каллада.
Ҳазил эмас, ким — фалончи —
Саркор, номим маҳаллада...
Фақат опанг билмас, опанг.
— Келинг, оғир бўлинг дейман.
Кўкрагига уриб вайсар:
— Э, Мирвали ука, э, ман —
Тайёр соғин сигирман-ку,
Тушунмайди опанг тушкур.
Участкамиз, участкада
Машинамиз бўлса, шукур.
Истаганин еса, кийса
Қани айтсин, нима етмас!
Поччанг берган устихонни,
Еган ит ҳам нари кетмас...
Ёлғиз уйни бекаси-я,
Ишла, топ деб — зўрламасам.
Қаридинг, деб хотин усти —
Хотин олиб хўрламасам.
Қовоғидан қор ёғару,
Чиройи бир ёришмайди.
Ҳеч эр-хотин бизчалик кўп,
«Сену мен»га боришмайди.
— Опам нега... деб ўйлайман,

Ахир шундай эри бўлса!
[Мол-дунёга боқмас хотин,
Эрни кўнгли эгри бўлса].

ЛАЪНАТИ БИР КУН

Нима мажбур қилган экан,
Бир куни хўп отибман:
Узимда йўқ шамдек қотиб,
Тор хонада ётибман.

Эл оёғи тинган, демак,
Вақт анчага борибди.
Кўз кўкарган, бош зирқирар,
Лунжимни ким ёрибди!

Нима бўлган, эсполмайман,
Улфатларим ким эди!
Лекин, қариб қуюлмаган,
Менга бу ҳам кам эди!

Ичмайман деб ичибман-да,
Дейман ичдан ўкиниб.
Кимдир кимни сўроқ қилар,
Қаердадир сўкиниб:

— Фамилиянг, гапир! — дейди,
Жавоб қилар бошқаси.
Яна тўрга тушибсан-да,
Сурбет, отнинг қашқаси.

Уша — Минор маҳаллами!
— Лаббай, Илғор кўчаси.
— Лойга ботиб ётганингни
Эслайсанми кечаси!

Навбат менга етгандайин,
Бошимни ҳам қиламан.
Ўн беш сутка берса-я, деб
Бу ёғин ғам қиламан.

Хотин касал, болаларнинг
Ҳоли нима бўлади!
Ўз-ўзимга дейман, шошма:
Ҳали нима бўлади!



Шу пайт мени сўраб қолар,
Ҳушёрхона бошлиғи:
«Мижозларнинг серхуруши —
Қани, бароқ қошлиғи».

Шундан бери толеим суст,
Келолмайман ҳушимга.
{Лаънати бир ичган куним
Кирган экан тушимга}.

ОТАНГГА БОР,

ОНАНГГА БОРИ

Мансаббойга тушса ишинг:
— Отангга бор, онангга бор.
Елиб ўтар ёзу қишинг,
Отангга бор, онангга бор.

Мансабпараст бўлган жойда,
Сенга тўғри жавоб қайда.
Ишларида шу қонда...
Отангга бор, онангга бор.

Сочингга оқ тушар, бўлмас,
Ишинг битиб, кўнглинг тўлмас.
«Хўш» дейиш-ла, ҳўкиз ўлмас,
Отангга бор, онангга бор.

Гоҳ телефонга ёпишиб олиб,
Чақчақлашар арзинг қолиб,
Сен қайтарсан ҳолдан тойиб...
Отангга бор, онангга бор.

РЕЦЕПТ

(Нолиш касалига йўлиққан бир
шоирга)

Шоирлик бу камдан-камга
Насиб бўлар, кўнгил иши.
Қалби тонгги шабнамдайин
Тоза бўлар бундай киши.
Сендай ичи қурум босиб,
Сасиб юрмас тақдирдан.
{Хатога йўл қўйган азал —
Котибининг таҳриридан...}

Шоир бўлиб элга манзур
Нима ёздинг, ўзинг гапир!
Виждонингни ойна қилиб,
Қарасанг-чи, ўзингга бир.
Кўрган асло шоир демас,
Сенинг бир ҳол юришингдан.
Эслаб қора қисматингни
Ҳар ерда оҳ ўришингдан.
Бу касалик рецепт шунга,
Ўйлаб бошинг қотиб юрма.
Расволикни мансаб билиб,
Яна бошлаб «отиб» юрма...
«Дўст ачитиб айтар» дерлар,
Бир арқоғнинг учимиз-да.
Қилмишларинг китоб бўлар,
Ҳа, дардимиз ичимизда.
Касалинг зўр, биз бетингга —
Айтдик, қани, нима дейсан!
Ерўчоқдек тутайверсанг,
Ўз этингни ўзинг ейсан.
Кимга бунча арзи-додинг,
Сенга нима етишмайди!
Табиатнинг неъматидан
Юз ўгирган ер тишлайди.
Ҳар истагинг мавжуд бўлса,
Қўлинг етса ҳаммасига.
Бир қаламинг жавоб бўлсин,
Душманнинг минг ҳамласига!
Кел, ўзингни ишда кўрсат,
Меҳнат сени соғайтирар.
Йўқ ердаги иғволаринг,
Қизил юзинг сарғайтирар.

НОЛИШ

Кимсан номи «фалон» эдим,
Тушимми ё ўнгиммикан.
Тори таранг баланд эдим,
Тушимми ё ўнгиммикан.

«Орзуларим» ушатдилар,
Комбинатдан бўшатдилар,
Мени кимга ўхшатдилар...
Тушимми ё ўнгиммикан!

Аттанг, айни замонда мен,
Қилмишимдан армонда мен.
Хўжабекор — зормонда мен,
Тушимми ё ўнгиммикан!

Ўз кўзимга ишонмайман,
Паст ишларда ишполмайман.
Семиз отман, кишнолмайман —
Тушимми ё ўнгиммикан.

Аввалгидай «улуш» қани,
Савлат тўкиб юриш қани!
Афти бошим буришгани,
Тушимми ё ўнгиммикан.

Қўлдан кетиб давлат қушим,
Бошимда йўқ ақлу ҳушим.
Уйғонарман, балки тушим,
Тушимми ё ўнгиммикан.

ПУФАК

Икки гапнинг бирида шу:
«Сен эмас мен»,
Пеш келиб дер: — Сени эркак
Санамас мен.
Эри шўрли дардин ичга
Ютиб кетар,
Баъзан бўлмас, хунобаси —
Тутиб кетар:
— Хотин, ахир инсоф қилгин...
Хотин уқмас.
Ҳар сўзларни айтар энди,
У, сув юқмас.
Эр ҳоли танг, қўни-қўшни
Нима дер — деб.
— Худо олсин, ким айтади —
Сени эр, деб.
Улар бўлсам ўлдим, етар
Қул бўлмоғли
Бир силкиниб юролмадим,
Бағрим доғли...
Ҳар кун шундай маш-маша денг.
Тинчлик қайда!
Увин-тўда, уй-жойда йўқ

Ҳеч қоида.
Еб-ичардан кам бўлсаки,
Бундай қилса,
Жон койитмас, меҳнат нима!
Қадрин билса.
Иши фақат пардоз-андоз,
Эртадан кеч.
Ғоз юриш-ла, ён-верига
Қарамас ҳеч.
Қуюқ-суюқ эр куйдириб —
Пиширади,
У пуфакни қайта пуфлаб
Шиширади...

КИМСАН ХОЛА

Ҳамон гапга тутсак
Кимсан холамини:
— Товба, танимабман,
Дерлар боламини.
Қарилик курсин деб,
Кулиб қўярлар.
Гап бўлган ерда-чи,
Қуйиб қўярлар:
— Ким билсин, ҳукумат
Бахтига шундай.
Кечаги кўрганим
Бугун тушимдай...
Биргина чиллашир
Уғлим бор эди.
Кўнглим кўзгусида
Бу ғубор эди.
Сенга ҳам зора эт
Битса дер эдим.
Ичимдан ўзимни
Ўзим ер эдим.
Инқиллаб юарди
Бир ҳол бечора,
Ётиб ҳам оларди
Гоҳ ора-чора.
Солдатга кузатиб
Тирик ўлгандим.
Сабр-чидам нима,

Шунда ўргандим.
Хат ёзди аҳволим
Сўраб неча бор.
Мен — солдат ўғлингиз,
Деб, Абдужаббор.
Хизмати тугашга
Яқин қолгани,
Шўҳратда, аълочи
Номин олгани...
Ой, йиллар шу алфоз
Ўтди, ўрғилай.
Тақдирнинг ишига
Йиғлайми, кулай!
Бир куни кўрсангиз
Болам келибди.
Болам билан бутун
Олам келибди.
Уй ичим тўмонат —
Одам, ёш-яланг.
Ўғлимни танимай
Қолибман, қаранг.
Ҳар ёндан боқишар
Ҳамма ҳавасда.
«Холанинг чинори»
Дейишиб аста.
Бирига ўн битиб,
Етилиб кетган.
Бунчалик бўлишин
Ахир ким айтган!
— Ойи, мен — ўғлингиз, —
Деб болам кулар.
Кўз очиб, юмгунча,
Ўтгандек кунлар.
Шу, ўша Жабборим
Ўлмасин дерлар.
Олам ҳеч безовта
Бўлмасин дерлар.

САНДИҚДАН ДОДИ

— Эру хотин ишлаб нима ордирдимиз!
Авваллари биз бешиқдан «дод»дердимиз.
Боламизни азобларди чирмаб-чандиқ,

Бугун эса бизни бўғар эски сандиқ...
Хотин кулар:— Бўғилмайин қолинг, эр,— деб,
Сандиқ оғзи очик турар:— Боринг бер,— деб.
Бу бир савдо ҳа, кўпчилик бошида бу,
Кимнинг ички дарди, кимнинг тошида бу.
Ўзбекчилик, сандиқсиз ҳеч бўлмас эмиш,
Сандиқ шундан ўзоқ яшаб, ўлмас эмиш.
Ўғил-қизинг борми, демак, сандиқ керак
Ўйлашмайди киши ўчун соғлиқ керак.
Топганларин унга тикиб, емайдилар,
Орзу-ҳавас, эви билан демайдилар.

ҲОЖИМ

(Бир маҳалла комитети раиси ҳақида)

«Еб тўймаган, ялаб тўймас»
Элу юртии талаб тўймас
Юлиб-юлқиш бўлар иши,
Фақат ўзим бўлсам дейди,
Дуч келганни мутаб, ейди.
Мозор шайхи дерлар уни,
Чойхонада у ҳар кўни:
Шунда битар иши унинг,
Ёзи билан қиши унинг.
Шу чойхона топган ери
Паққос тўрт-беш йилдан бери.
— Олдинлар-чи, у ким бўлган!
Фолбинми ё ҳаким бўлган!
Ажабланиб сўрарсиз, хўп,
Айтаверсак гапимиз кўп.
Раисимиз даққи Содиқ —
Калити йўқ эски сандиқ.
Ҳеч кимсага сир айтмайди,
Қўймичини силатмайди...
Ҳа, бўлмаса у айтганча,
Ҳисобчи ҳам бўлган анча.
Кейин колхозда омборчи,
Яна нима, э аммо-чи,
Бир артелга мудир бўлган,
Иши ғадир-будур бўлган.
Хўп сув қилган давлат ҳақин,
Менсимайин элу халқин.
Шу баҳона иси чиқиб,

Шатта еган миси чиқиб.
Шундан бери бизда Ҳожим —
Раислар-да, қаранг!
— Ҳой, жим!

«АЖАБСАНДА»

(Хўрандаларга маслаҳат)

«Ажабсан»да қандай таом!
Умрингизда еганмисиз!
Таг-туғи йўқ, бу таомга
Масаллиқлар эссиз-эссиз.
«Ажабсан-да» ола товур
Номи фақат, ҳеч сири йўқ.
Унда минг бор афзал ўша —
Ўзимизнинг қуюқ-суюқ.
Мошхўрдани айтинг, мана
Бир кафт мошдан олам кулар.
Аввал боши тансиҳатлик,
Мастава-ю, угра — булар.
Шўрва — шитир, узма, лағмон
Айтаверсак бор қанчаси.
Бир паловнинг неча тури:
Фарғонаю, тошканчаси.
Хўш, қай бири хизмати-ла
«Ажабсан»дан кам бўлибди!
Қисқаси бу — аёлмандлар —
Учун ўта ғам бўлибди.
Думба, жигар, картошка-ю,
Сон гўшти ё пушти мағиз.
Шолғом, нўхат, сабзи-пиёз...
Бунни топган қай ялмоғиз!
Ун беш кунли уй-рўзғорнинг
Бир қозонга жо бўлади.
Текинхўрлар таърифича:
«Ажабсанда» «во!» бўлади.
Оши тузсиз бола-чақа
Нима, рўза тутишарми!
Чойхонада «Ажабсанда»,
Уйда зардоб ютишарми!
Бир бурда нон, бир пиёла
Чой афзалдир «ажабсандан»
Шундай дердим хўрандалар
Сўрасалар агар мендан.

ТУГУН-ТЕРСАК, ЛОЗИМАНДА

(Розия буви тилидан)

Розия буви ўз бошига,
Койиб ахир чарчар эди.
Еш-ялангга тўғри гапин
Утказолмай ночор эди:
— Ҳали бизлар бола эдик,
Онам ўтдек қоврилгани —
Шўрлик отам топганларин
Йўқ ерларга соврилгани,
Кўз-ўнгимда:— Ҳожи буви
Табаррук тўй қилар эмиш.
Маҳалла кўй тараддудда,
Опақинг қўй қилар эмиш.
Тожи амманг хабарлабди,
Эгачисин бешигига.
Эртан никоҳ, тўй келибди,
Рисолатнинг эшигига...
Соли поччанг арзандаси —
Суннатвойнинг овораси.
Бунга сарпо керак, ўлсин —
Қудамизнинг невараси...
Ҳар кун бирдек тугун-терсак,
Лозиманда аримасди.
Бу савдолар бўлмаганда,
Одамлар тез қаримасди.
Бугун, шундай замонда ҳам,
Расм-русум ўша-ўша,
Зорманданинг саноғи йўқ,
Тўй-у, ҳашам қўша-қўша.
Бор-йўғинг ўйламас, йўқ,
Тўйинг-тўйдай бўлсин!— дерлар,
Меҳнат билан топганингни
Чигирткадек текин ерлар.
Қуруқ бориш бисотда йўқ,
Тўёнаси чақар ўлсин.
Муштум:
Сабр қилинг, она, яна —
Уч-тўрт кун ҳа, шундай бўлсин.

БРАКЧИНИНГ ТУШИ

Бракчи туш кўрсамиш,
Оёқ яланг, бош яланг,
Йўл устида қолганмиш,
Кўзлари аланг-жаланг.
Қулоғининг остида
Қаттиқ-қурум сўзлашлар.
Бириси бас қилмаёқ,
Қайбириси сўз бошлар:
— Юзи қора, қаёққа —
Борасан биздан қочиб.
— Ҳа, бракка қарши деб,
Мажлисларда гап очиб...
Савлат тўкиб, керилиб,
Бироқ ўзинг ким бўлдинг!
Бракчими, «бироқ»чи!
Гапир нега жим бўлдинг!
Булар касод моллармиш,
Э, минг ўлиб тирилган.
Пақир, чўмич, тоғора —
Сири кўчиб, қирилган.
Яна хомсиз нонлармиш,
Сўзлармишлар денг ювош.
Чоки чала тикилган,
Узун-қисқа кийим-бош...
Пойафзаллар бир томон
Ёқасидан тутгидай.
Урашганмиш атрофин
Ўз қаърига ютгидай...
Бракчи ҳайрон, қайга —
Борарин билолмасдан.
Қалтирармиш қилмишин
Жавобин беролмасдан.
Қочай деса оёғи —
Мажолсиз, чополмасмиш.
«Дод!» дейишга овоз йўқ,
Иложин тополмасмиш.
Терга ботиб, халлослаб,
Бир вақт уйғониб кетар.
Туши экан зормонда,
Бунни айтмас, беркитар.

Библиотечка «Муштум»
На узбекском языке
Талиб ЮЛДАШ
«АЖАБСАНДА»
(Сатирические стихи и фельетоны)

Издательство ЦК КП Узбекистана
Ташкент — 1980

Редактор **Олимжон ҚУЧҚОРБЕКОВ**,
Рассом **Алижон ХОЛИҚОВ**,
Техредактор **Галина ЛОМИВОРОВА**,
корректор **Адҳам ЖУРАБОВ**.

Р—03310. Теришга берилди 13.02.80. Босишга рухсат этилди 24.10.80. Формати 84×108¹/₃₂. Қоғоз № 2. Гарнитура «Журнальная рубленая». Юқори босма. Шартли босма листи 1,68. Нашриёт ҳисоб листи 1,63. Тиражи 35000. Заказ № 3076. Баҳоси 15 т.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 28.